ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ИХТИСОСЛАШГАН НАШРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Махсума Оққўзиева

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

2-босқич мустақил тадқиқотчиси

maxsumazafarovna@bk.ru

+99891948-85-86

Аннотация: Кучли ижтимоий сиёсат давлатнинг барқарор ривожланишининг кафолатидир. Иқтисодиёт ва саноат билан бир қаторда тиббиёт ҳам жадал ривожланаётган соҳалардан биридир, чунки унинг мақсади одамлар ҳаётини сақлашдир. Журналист сиёсий ҳаётда фаол бўлиши билан бир қаторда ижтимоий масалалар ва уларнинг марказидаги инсон учун муҳим бўлган муаммоларни ҳам ўрганади. Шу боисдан ҳам оммвий ахборот воситаларининг тиббий тарғиботчи сифатидаги роли жуда муҳимдир.

Калит сўзлар: тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи, тиббий нашрлар, онлайн нашрлар.

Соғлом турмуш тарзини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда тиббий нашрларнинг роли ва аҳамияти катта. Ушбу нашрлар тиббий ахборотга бўлган эҳтиёжнинг асосий қисмини қондиришга хизмат қилувчи воситадир. Бунинг бир нечта сабаби бор:

Биринчидан, тиббиётга ихтисослашган давлат нашрлари қонунчиликнинг муфассал баёни, эълон ва янгиликлар хронологиясидан иборат бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам бундай нашрларнинг ўқувчиси жуда кам. Ахборот етказиш ва ўзига юкланган вазифани бажаришда хусусий нашрлардан орқадалиги бир қанча жиҳатларда яққол намоён бўлди.

Иккинчидан, ихтисослашган хусусий нашрларнинг ўқувчилари кўп. Сабаби улар асосий эътиборни саломатлик масалаларини ёритишга, уларга ечим топишга ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга эътибор қаратишади. Аммо уларнинг тарқалиши, ўз ўқувчисига етиб бориши, кенг ёйилиши ва фаолиятини кенгайтириши давлат томонидан молиялаштирилмайди. Шу сабабдан улар ўз фаолиятини йўлга қўйишда қийинчиликларга учраши мумкин.

Тиббиётга мўлжалланган давлат нашрларидан бири бу – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ssv.uz электрон веб-сайтидир. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг портали Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий давлат ахборот ресурсидир.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, мамлакатнинг соғлигини сақлашга жавоб берувчи вазирлик электрон сайтида кишиларнинг тиббий маданиятини оширишга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, бепул тиббий маслаҳат олишга алоқадор маълумотларни учратмайсиз. Вазирликнинг «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш» номли газетаси ҳам қарор

ва лойиҳаларнинг батафсил баёни, эълон ва янгиликлардан иборат. Ўқувчига эса бошқа нарса муҳим. Буни сайтга бир кунда ташриф буюрувчилар сонидан (114 киши) ҳам билиш мумкин.

Аммо вазирликнинг телеграмдаги расмий канали электрон сайтдан тубдан фарқ қилади. Бу канал 31.4939 (2023 йил май ҳолатига кўра) обуначига эга. Мавзулар кўлами, ёритиш мезонлари ҳам тубдан фарқ қилади. Шу боис ҳам бу каналнинг кузатувчиси кўп.

«Соғлиқни сақлаш вазирлиги» номи остида фаолият олиб борувчи ушбу канал вазирликнинг матбуот ва ПР хизмати томонидан юритилади. Ушбу вазирлик Facebook, Twitter каби ижтимоий тармоқларда ҳам ўз саҳифаларига эга.

Ушбу каналда 2022 йил 23 май куни эълон қилинган «Қандай озиқ-овқат маҳсулотлари аллергик реакцияларга сабаб бўлади?» деб номланган мақола эълон қилинган. Ушбу мақола аҳолидан келиб тушган саволлар асосида тайёрланган бўлиб, унга Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази директори, профессор Илмира Разиқова батафсил ва кенг маълумот бериб ўтган. Ушбу мақолада мавзу доирасига кўра, касалликни келтириб чиқарувчи сабаблар, аллерген маҳсулотларнинг рўйхати, касалликни даволаш чоралари баён қилинган. Умуман олганда, мавзу кўлами ва мазмуни жиҳатдан барча талабларга жавоб беради.

Бундан ташқари, ушбу каналда тиббиёт янгиликлари, соҳага оид қонунчилик, интервью ва суҳбатлар доимий тарзда бериб борилади.

Бундан ташқари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари орасида «Шифо-инфо», «Анатомика», «Ташхис», «Ҳамшира» каби ихтисослашган нашрлар ҳамда даврий нашрларнинг саломатлик сабоқларига оид рукнлари, телекўрсатувлар узоқ йиллар давомида аҳолининг соғлом турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилиб келмоқда ва улар медиа бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади. Ушбу нашрларда тиббиёт янгиликлари, долзарб савол-жавоблар, спорт, тўғри овқатланиш, аёллар ва эркаклар касалликлари каби мавзулар кенг ёритиб келинган.

Тиббий нашрларда тиббий маданиятни ошириш имконияти нисбатан кенгроқ. Буни қуйидаги мисол орқали изоҳлаш мумкин. «Шифо-инфо» газетаси тиббиётга ихтисослашган нашрлардан бири. У бутун республика бўйлаб тарқалади ва ўқувчиси етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли қатламини ташкил этади. Ушбу газета йилига 52 бор нашр этилишдан ташқари, ҳудудларга ўз таҳрир ҳайъати аъзолари — шифокорлар билан ташриф буюриб, аҳоли учун бепул кўриклар, консультациялар ташкил этади. Хўш, бу жараён қандай амалга оширилади. Даставвал, газетада бир неча бор учрашув ўтказилаётган ҳудуд ва вақти эълон қилиб борилади. Боғланиш учун контакт қолдирилади. Иштирок этмоқчи бўлган ўқувчи рўйхатдан ўтказилади. Шу тариқа ўртача қиймат аниқланади. Шунга кўра иш ташкил қилинади. Бу ҳам ихтисослашган нашрнинг тиббий маданиятини ошириш ва аҳоли соғлом турмуш тарзини сақлашга ҳисса қўшишини ифодалайди.

Яна шу газетада ҳар ойда бир марта аҳоли билан телефон орқали жонли мулоқот ташкил этилади. Бунинг учун жонли мулоқот ўтказадиган шифокорнинг телефон маълумотлари ҳамда мулоқот ўтказиладиган кун аввалдан газета саҳифаларида эълон қилинади. Белгиланган соат келгач, газета ўқувчилари қўнғироқни амалга оширишади. Шифокор эса навбати билан уларга маслаҳат ва тавсияларини бериб боради.

Жамоатчилик фаоллигини ошириш ҳамда тиббий маданиятни оширишга йил давомида эътибор қаратилса-да, қўшимча равишда ўқувчилар қизиқишини ошириш ҳамда кенгроқ аудитория жалб этиш учун ойида бир маротаба бепул консультация кунлари ташкил этилади. Бунда беморлар бевосита масъул қилиб бириктирилган шифокор ишлайдиган тиббиёт муассасасига ташриф буюришади ҳамда шифокордан тавсиялар олишади.

Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситалари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг самарали воситасидир, чунки улар жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг асосий воситаларидан биридир.

Ўзбекистонда нашр этиладиган яна бир тиббиётга ихтисослашган журнални кўриб ўтамиз: «Anatomica» журнали. Ушбу журнал ранг-тасвир уйғунлиги ва сифат даражаси билан бошқа босма нашрлардан кескин фарқ қилади. Ушбу журнал ойда бир маротаба чоп этилиб, 164 рангли саҳифани ўз ичига олади. Журналнинг ҳар бир сони маълум бир мавзуга бағишланган бўлади.



[1]

Расмдаги костюм-шимдаги эркакни даставвал шифокор эканлигига ишонгингиз келмайди. Бу ҳам – услуб. Журналнинг ўзига хослиги. Ўқувчи бошдан-оёқ касаллик ва

[1] 2022 йил 1 сон

саломатлик сабоқларидан иборат бўлган журнални ана шундай самарали воситалар асосида ҳеч толиқмасдан, бир нафасда кўриб чиқиши мумкин.

Шу ўринда тиббиёт мавзусини ёритишда учрайдиган бир қатор хатолар борасида тўхталиб ўтсак. Биламизки, турли нашрлар саломатлик мавзусини турлича ёритади. Уларнинг ахборот манбаи ва фойдаланган адабиётлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Ёритилаётган мавзу ҳақиқий мутахассис билан маслаҳатлашмай ёки асосли манбалар орқали текширилмас экан, ўқувчи нотўғри ва бир-бирига зид ахборотлар олишда давом этаверади. Мисол учун, https://gepamed.uz/ сайтида “Кофе ҳақида сиз билмаган 14 факт”[2] номли мақола эълон қилинган. Ана шу мақолада *“Кофе жигар учун фойдали. Кунига 4 чашка кофе ичадиган инсонларда жигар циррози 80 фоизга кам учрар экан”* тарзидаги маълумот келтириб ўтилган. https://zamin.uz/ сайти эса бунинг аксини тасдиқламоқда. “Кофе инсон соғлиги учун зарарли...(ми)?”[3] мақоласида эса *“Америкалик олимлар кофе ва инсон соғлиги ўртасидаги таъсирни ўрганганларида, ҳафтасига 28 чашка (4 чашка кунига) кофе ичувчи эркакларнинг орасида ўлим ҳолати ортганлиги...”* далил сифатида келтириб ўтилган.

Умуман олганда, оммавий ахборот воситаларини тартибга солиш сиёсати жамоатчиликни зўравонлик, хавфли хатти-ҳаракатлар ва сифатсиз реклама билан боғлиқ материалларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиши керак.

Шуни эсда тутиш керакки, ижтимоий давлатда оммавий ахборот воситаларининг асосий ўрни аҳоли томонидан талаб қилинадиган ижобий маълумотларни тақдим этишдан иборат. Ўз соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун анъанавий ҳаёт тарзи ва мотивациясини шакллантириш учун ижобий тиббий маълумотлар мунтазам равишда эфирга узатилиши, шунингдек, аудиториянинг хусусиятларини (қизиқишлари, ёши, жинси) ҳисобга олиниши керак. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлиги соғлиқни сақлаш имкониятлари ва усуллари тўғрисидаги маълумотларнинг қанчалик малакали, профессионал ёритилишига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам тиббиётга ихтисослашган нашрлар бугунги кун учун керак ва зарурдир.

[2] https://gepamed.uz/news/article_detail.php?action=detail&code=504
[3] https://zamin.uz/hayot-tarzi/35947-kofe-inson-sogligi-uchun-zararlimi.html